

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАМАТКУЛОВ БАХРОМ БОСИМОВИЧ

БОЛАЛАРДА НЕФРОТИК СИНДРОМНИНГ ОҒИР АСОРАТЛАРИНИ
ИНТЕНСИВ ДАВОЛАШНИ БАҲОЛАШ ВА УНГА ЁНДАШУВНИ
ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ

14.00.09 – Педиатрия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PH.D)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Маматкулов Бахром Босимович

Болаларда нефротик синдромнинг оғир асоратларини интенсив даволашни баҳолаш ва унга ёндашувни қайта кўриб чиқиш 3

Маматкулов Бахром Басимович

Оценка и пересмотр подходов к интенсивной терапии критических осложнений нефротического синдрома у детей 20

Mamatkulov Bahrom Bosimovich

Evaluation and revision of approaches to intensive care of critical complications of pediatric nephrotic syndrome 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 41

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАМАТКУЛОВ БАХРОМ БОСИМОВИЧ

БОЛАЛАРДА НЕФРОТИК СИНДРОМНИНГ ОВИР АСОРАТЛАРИНИ
ИНТЕНСИВ ДАВОЛАШНИ БАҲОЛАШ ВА УНГА ЁНДАШУВНИ
ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ

14.00.09 – Педиатрия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PH.D)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация қўмитасида В2017.2.PhD/Тиб203 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме) Илмий кенгаш веб – саҳифаси (www.tashpmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шарипов Алишер Мирхамидович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шамансурова Элмира Амануллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алимов Ахбор Валиевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019.Тиб.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223 уй. Тел./факс(+99871)262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ -билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент ш, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223 уй. Тел./факс (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилган (2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

А.В. Алимов

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хаитов

[Handwritten signature]
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова

[Handwritten signature]
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунё болалар нефрологлари ассоциацияси маълумотига кўра бирламчи нефротик синдром (НС) билан касалланиш ҳар 100 000 боладан 2-13 тагачани ташкил қилиб, ҳар йили касалликнинг учраш частотасининг ўсиб бориши қайд қилинган¹. НСда "...пешоб орқали катта миқдорда оқсилнинг чиқиб кетиши натижасида генераллашган шишларнинг юзага келиши, оғир асоратлар юзага келиш хавфини ошиши, беморларнинг узок вақт шифохонада бўлиши..."² болалар нефрологиясининг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда НСда шиш синдромини бартараф этиш учун синтетик коллоид суюқликлардан кенг қўлланилмоқда ва альбуминни қўллаш зарурати шубҳа остида қолган. Коллоид суюқликларнинг альбуминга нисбатан афзаллиги исботланмаган.

Жаҳон миқёсида НСнинг асоратларини даволаш, текшириш усуллари такомиллаштириш, рецидивлар сонини камайтиришга йўналтирилган илмий –тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. НСда диуретикларни қўллаш билан бир қаторда, альбумин ва коллоид суюқликларни қўллаш ҳам кенг тарғиб қилинмоқда. Шунингдек НСда томир ичи суюқлик ҳажмини баҳолаш, пешобда натрий ва калийни аниқлаш, олинган натижаларни солиштириш асосида самарали даво усулини танлаш соҳа мутахасисларининг асосий муаммоларидан ҳисобланади. Сўнгги пайтларда НСни интенсив даволаш учун нефротик шишларнинг юзага келишига қиёсий ёндашиш аксарият олимларнинг диққатини тортган.

Республикамизда аҳолининг турли қатламлари орасида, айниқса болаларда нефрологиясида касалликларнинг эрта ташхислаш ва асоратларни олдини олиш бўйича катта натижаларга эришилган. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш»³ вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ–4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кенгайтириш тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон

¹ Noone DG, Iijima K, Parekh R (2018) Idiopathic nephrotic syndrome in children. Lancet 392(10141):61-74. [https://doi.org/10.1016/s0140-6736\(18\)30536-1](https://doi.org/10.1016/s0140-6736(18)30536-1)

² Noone DG, Iijima K, Parekh R (2018) Idiopathic nephrotic syndrome in children. Lancet 392(10141):61-74. [https://doi.org/10.1016/s0140-6736\(18\)30536-1](https://doi.org/10.1016/s0140-6736(18)30536-1)

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотни республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. НС тез-тез қайталанишга, касалликнинг зўрайиб боришига мойил бўлган, ўтказилган давога чидамли бўладиган ва беморларнинг ногиронлигига сабаб бўладиган касалликлар сарасига кириб, бу муаммонинг долзарблигини ва ушбу йўналишда аниқ мақсадга йўналтирилган тадқиқотлар олиб бориш заруриятини белгилайди. Ҳар бир алоҳида ҳолатда шиш ҳосил бўлишининг патогенетик механизмларини ўрганиш, генераллашган шишларни интенсив даволашнинг оптимал усулини танлаш ҳанузгача долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда. Хориж муаллифларининг кўплаб илмий-тадқиқот ишлари мазкур касалликнинг айти шу жиҳатларига бағишланган. Америка буйрак касалликларини назорат қилиш Ўрта-Ғарб гуруҳининг (Мишель Н. Рео ва бошқ., 2015й) кўп марказли текшириш маълумотлари асосида НС билан шифохонага ётқизилган болаларда буйракларнинг ўткир шикастланиши (БЎШ) юзага келиш хавфи юқорилиги аниқланган ва улар томонидан тақдим этилган маълумотлар бўйича НСда БЎШнинг учраши 50,9% ни ташкил қилган. НСда генераллашган шишларни интенсив даволашда аксарият муаллифлар нефротик шишнинг юзага келиш вариантыга қиёсий ёндашишга эътибор қаратган. НСда шиш синдромини бартараф этиш учун натрийнинг фракцион экскрецияси, калийнинг пешобдаги концентрациясининг пешобдаги натрий ва калий йиғиндисига нисбатини аниқлаш усуллари тавсия қилинган (Vande Walle ва бошқ., 2015й). НСнинг қайталанувчи шаклларида альбумин ва диуретикларни қўллаш суюқликларни организмдан чиқиб кетишига ва шишнинг камайишига олиб келсада, уларнинг самараси қисқа муддатли бўлиши мумкинлиги аниқланган (Нaws ва бошқ., 2018й).

НСда генераллашган шишларни даволаш учун альбумин ва синтетик коллоид суюқликларни диуретиклар билан ҳамкорликда қўллаш тавсия қилинган (Панкратенко. Т.Е. ва бошқ., 2015), лекин уларнинг қайси бири бемор учун хавфсиз ва самарали эканлиги, НСнинг вариантларига боғлиқлиги борасида маълумотлар тўлиқ келтирилмаган.

НСда шиш ҳосил бўлиш механизминини аниқлаш мураккаб бўлиб, зарур лаборатор синамаларни ўтказиш учун вақт етарли бўлмайди, бу эса генераллашган шишларни бартараф этишда қабул қилинган қарорларга таъсир кўрсатиши мумкин. НСда шиш синдромига объектив баҳо бериш мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, нефротик шишларни даволашнинг қиёсий ёндашувини ўтказиш учун шиш ҳосил бўлиши механизмларини

аниқлашнинг клиник-функционал мезонларини ишлаб чиқиш илмий ва амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқот мақсади болаларда НСнинг оғир асоратларини интенсив даволашни баҳолаш ва унга ёндашувни қайта кўриб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

критик асоратланган, оғир кечувчи НСнинг структураси ва учраш частотасини аниқлаш, ҳамда бу асоратларнинг пайдо бўлишида генераллашган шишларнинг аҳамиятини ўрганиш;

натрий ретенцияси ва гипоальбуминемиянинг ўзаро таъсир механизмини аниқлаш орқали, болаларда НСда учрайдиган генераллашган шишларни юзага келишининг клиник-гемодинамик вариантларини ўрганиш;

шиш пайдо бўлишининг турли вариантларини ҳисобга олган ҳолда, генераллашган шишларда самарали диурез ўтказиш мақсадида қўлланиладиган интенсив даво усулини танлашнинг клиник-функционал мезонларини ишлаб чиқиш;

болаларда НСда генераллашган шишларни интенсив даволаш учун қўлланиладиган форсирланган диурезнинг турли усуллари самарадорлигини аниқлаш, уларни қўллашга бўлган кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни асослаш.

Тадқиқот объекти сифатида 2005-2018 йилларда ТошПТИ клиникаси ва Тошкент шаҳар нефрология шифохонаси назоратида бўлган 120 нафар беморлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида вена қони ва қон зардорби, пешоби биокимёвий тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида умумклиник, инструментал, биокимёвий, морфологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор болаларда НСда марказий гемодинамиканинг доплерографик кўрсаткичлари(ЭхоКГ), паски ковак вена(ПКВ) ва буйрак веналари(БВ)да қон оқими параметрлари, натрийнинг буйрак ретенцияси, қон зардобиди альбумин миқдори кўрсаткичларини комплекс баҳолаш асосида, НСнинг турли вариантларида шиш юзага келиши механизмларини баҳолашнинг клиник-функционал мезонлари ишлаб чиқилган;

нормоволемик ва гипervолемик ҳолатлар билан кечувчи стероид резистент НСда шиш ҳосил бўлишида натрий ва сувнинг бирламчи ушланиб қолиши устунлиги исботланган;

стероидга сезгир НСда шиш ҳосил бўлишида натрийнинг буйрак ретенцияси фониди критик гипоальбуминемия ва гиповолемия устун бўлиши, томир бўшлиғининг “етарлича тўлатилмаганлиги” асослаб берилган;

нефротик шишларнинг юзага келиши механизмларини ҳисобга олган ҳолда диуретикларни алоҳида қўллаш, ёки уни 20% альбумин ёки синтетик коллоид суюқликлар билан биргаликда қўллашга ёндашувлар асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

генераллашган нефротик шишлар юзага келишининг патогенетик вариантини аниқлаш учун эхокардиографик, доплерографик кўрсаткичлар билан бир қаторда натрийнинг фракцион экскрециясини аниқлаш мақсадга мувофиқлиги исботланган;

болаларда НСда шиш синдромининг клиник-гемодинамик вариантини аниқлаш учун диагностик мезонлар ишлаб чиқилган;

шиш юзага келиш механизми ва волемик хусусиятдан келиб чиққан ҳолда ССНС ва СРНСда нефротик шишларни даволашнинг қиёсий усули ишлаб чиқилган;

болаларда НСда генераллашган шишларда диуретиклар ва коллоид суюқликларни қўллашнинг қиёсий кўрсатмалари ишлаб чиқилган ;

болаларда СРНС билан кечувчи генераллашган шишларни даволаш учун салуретикларни катта дозада қўллаш асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги ишда қўлланилган замонавий ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

НСда шиш ҳосил бўлишининг асосий омилларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар болаларда НСда генераллашган шиш юзага келиши волемик бузилишлар вариантини аниқлаб берувчи ишончли клиник-функционал мезонлар ишлаб чиқиш имконини берди.

НСда генераллашган шишларни даволашда катта дозада диуретикларни қўллаш, ёки уларни альбумин ва бошқа коллоид суюқликлар билан биргаликда қўллашга дифференциал ёндашувнинг мавжудлиги шишни даволашнинг такомиллашган усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Бу НСда шиш ҳосил бўлиши механизми ҳақидаги назарий тушунчаларни янада кенгайтишига ҳисса қўшади.

Олинган илмий натижалар НСда генераллашган шишларни интенсив даволашга қиёсий ёндашишга, ўтказиладиган интенсив давонинг самарадорлигини оширишга, касалликнинг сурункали шаклга ўтиш хавфини ва ногиронликни камайтиришга, беморлар ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда НС билан боғлиқ генераллашган шишлар, критик асоратлар юзага келишини патогенетик

хусусиятларини ўрганиш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Болаларда нефротик шишларни интенсив даволашда альбуминни қўллаш мезонлари” услубий тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 16.12.19 йилдаги №8н-р/395-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда генераллашган шиш билан кечадиган НСни интенсив даволашга дифференциал ёндашишни аниқлашга, асоратлар ва госпитализация муддатини қисқартиришга, даволаш самарадорлигини оширишга ёрдам берган;

НСда генераллашган шиш юзага келишининг патогенетик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шишга қарши самарали интенсив даво ўтказиш, критик асоратларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли болалар клиникаси ва Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли шифохонасида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 19.12.2019 йилдаги №8н-д/312-сонли маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар болаларда НСда генераллашган шишларни юзага келиш механизминини аниқлаш, интенсив даволаш сифатини яхшилаш, НСнинг асоратларини камайтириш ҳисобига иқтисодий самарадорликни оширишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацион комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати аниқлаб берилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, илмий ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертация бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Болаларда НСнинг критик асоратларини юзага**

келишини долзарб саволлари ва уни интенсив даволаш (адабиётлар шарҳи)” деб номланган биринчи бобида НСнинг ташхиси ва давоси борасида олиб борилган замонавий тадқиқотлар бўйича илмий манбалардаги маълумотлар келтирилган. НСнинг турли вариантларида критик асоратларнинг юзага келиши сабаблари ва механизмлари тўғрисида маълумотларга алоҳида эътибор қаратилган. ССНС ва СРНСда генераллашган массив шишнинг пайдо бўлиши, натрийнинг буйрак ретенциясига боғлиқлиги, НСдаги волемик бузилишларнинг бемор гемодинамикасига таъсири, шиш синдромини бартараф этиш учун энг макбул диуретик даво усулини танлашда юзага келадиган муаммолар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, материаллари ва усуллари тавсифи келтирилган. Тадқиқотнинг дизайни, болаларни гуруҳларга ажратиш тамойиллари, тадқиқотга киритиш ва истисно қилиш тамойилларини ўз ичига олган. Илмий иш ТошПТИ “Шошилиш педиатрия” кафедрасида (кафедра мудири, т.ф.д., профессор А.М. Шарипов), ТошПТИ клиникаси интенсив даволаш бўлимида, Тошкент шаҳар нефрология маркази интенсив бўлимида (ҳозирги Республика ихтисослашган нефрология, гемодиализ ва буйрак трансплантацияси илмий амалий тиббиёт маркази) олиб борилди. Беморларни стероидга сезгир ва стероидга чидамли гуруҳларга ажратиш ўтказилган стероид давога (60 мг/м²/сутка) нисбатан жавоб реакциясига қараб, халқаро стандартларга мос равишда амалга оширилди. Агар 8 ҳафта давомида ўтказилган стероид давога нисбатан ижобий натижа кузатилмаса ва 20 мг/кг ҳисобида (бир марта юборишга 1 гр дан ортиқ бўлмаган ҳолда) метилпреднизолон билан томир ичига уч марта пульстерапия ўтказилгандан кейин ҳам ижобий натижа олинмаса, бу гуруҳ беморлари стероидга чидамли болалар гуруҳига киритилди. Агар протеинурия 3г/1,73м²/суткадан юқори бўлса, қонда альбумин миқдори 25 г/л дан паст бўлса ва холестерин миқдори ошган ҳолатларда НС ташхиси қайд қилинди. Протеинурия миқдори 1 г/суткадан юқори бўлса, қон зардобидида альбумин ва холестерин миқдори ўзгармаган бўлса, бу ҳолат изолирланган протеинурия деб баҳоланди. КФТ 80 мл/мин/ 1,73 м² дан юқори бўлган ҳолатларда буйрак иш фаолияти сақланган деб ҳисобланди. ССНС қайд қилинган жами 74 та болалардан 24 тасида НСнинг биринчи эпизоди қайд қилинган бўлиб, 18 тасида кам рецидивланувчи, 32 тасида стероидга сезгир НС аниқланди. Текширишларимиздаги жами 120 та боладан 46 тасида СРНС қайд қилинди. 102 та болада генераллашган шиш синдроми кузатилган бўлиб, шулардан 64 тасида ССНС, 38 тасида СРНС аниқланди. Қолган 18 та беморда НСга хос бўлган протеинурия, гипоальбуминемия ва гиперхолестеринемия аниқланган бўлсада, генераллашган шиш аниқланмади.


Беморларга стандарт клиник-лаборатор текширувлардан ташқари, калий ва натрийнинг экскрецияси, креатининнинг пешобдаги миқдори, ПКВ ва БВнинг доплерографик параметрлари аниқланди.

ССНС гуруҳидаги 2та беморда нефробиопсия ўтказилган бўлиб, уларда минимал ўзгаришли морфологик белгилар аниқланди. СРНС гуруҳи болаларнинг 19 тасида нефробиопсия ўтказилган бўлиб, уларнинг 14 тасида гломерулосклероз, учтасида минимал морфологик ўзгаришлар, иккитасида мезангиопротлифератив каби гистологик ўзгаришлар аниқланди.

Диссертациянинг «**Болаларда нефротик синдромнинг стероидга сезгир ва резистент вариантларида критик ҳолатларнинг учраш частотаси ва уларнинг тури**» деб номланган учинчи бобида ўрганилган 120 та болада шиш синдроми фонида ССНС ва СРНС болалар гуруҳларида критик ҳолатларнинг структураси ва учраш сонининг қийсий кўрсаткичлари ҳақида маълумот берилган (1- диаграмма).

1-диаграмма


Нефротик синдромнинг ССНС ва СРНС вариантларида критик асоратларнинг структураси ва учраш частотаси



Диссертациянинг «**Болаларда нефротик синдромининг ССНС ва СРНС вариантларида генераллашган шишлар ҳосил бўлишининг клиник-функционал мезонлари**» деб номланган тўртинчи бобида волемик бузилишларни аниқлаш мақсадида ССНС ва СРНС гуруҳларида гемодинамик кўрсаткичларнинг параметрларини аниқлаш, чап қоринчанинг диастолик индекси, зарб индекси ва юрак индекслари, ПКВ ва БВнинг майдон индекси ва ҳажмий қон оқими индекслари ҳақида маълумотлар келтирилган. Олинган натижалар 2,3- диаграммада тақдим этилган.


2- диаграмма

Нефротик синдромнинг генераллашган шиш билан кечувчи стероидга резистент ва стероидга сезгир турларида марказий гемодинамика кўрсаткичлари бўйича волемик бузилишларнинг характеристикаси.



3- диаграмма


Нефротик синдромнинг генераллашган шиш билан кечувчи стероидга сезгир ва стероидга резистент турларида периферик гемодинамика кўрсаткичлари бўйича волемик бузилишларнинг характеристикаси.



Буйрак ретенцияси кўрсаткичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ССНСда натрийнинг фракцион экскрецияси кескин пасайганлиги ($0,16 \pm 0,09\%$), натрийнинг пешоб креатининига нисбатининг пастлиги ($2,83 \pm 0,51$) ва калийнинг пешобдаги миқдорининг, натрий ва калийнинг пешобдаги йиғинди миқдорига нисбатан юқорилиги ($U_{K}/U_{Na+U_{K}}=0,76 \pm 0,11$) аниқланди. Бу ўзгаришлар критик гипоальбуминемия (15 г/л дан паст) ва буйраклар филтрацион фаолиятининг биров пасайганлиги фонида кечди. СРНС гуруҳидаги болаларда натрийнинг фракцион экскрециясининг нисбатан юқорилиги (1,2% дан кўп), пешобдаги натрийнинг пешобдаги креатининга нисбатининг юқорилиги (9,82) ва пешобдаги калийнинг пешобдаги натрий ва креатинин нисбатига пастлиги аниқланди ($U_{K}/U_{Na+U_{K}}=0,29$). Бунда буйраклар филтрацион фаолиятининг пасайганлиги ва гипоальбуминемия ҳолати қайд қилинди (4,5- диаграмма).


4-диаграмма

Нефротик синдромнинг СРНС ва ССНС гуруҳи болаларида натрийнинг буйрак ретенциясининг қиёсий кўрсаткичлари



5-диаграмма


Нефротик синдромнинг СРНС ва ССНС гуруҳи беморларида буйракларнинг филтрацион фаолияти ва гипоальбуминемия ҳолатининг қиёсий кўрсаткичлари



СРНС ва ССНС беморлар гуруҳида генераллашган шиш ҳосил бўлишида етакчи механизмни аниқлаш мақсадида буйрак ретенцияси, гемодинамик кўрсаткичлар ва буйракнинг филтрацион фаолияти кўрсаткичларининг корреляцион таҳлили ўтказилди. Бунда ССНС гуруҳидаги беморларда натрийнинг фракцион экскрецияси 0,2 % дан паст бўлиб, критик гипоальбуминемия ва оғир гиповодемик бузилишлар билан ишончли корреляцияда бўлди. Бу натрийнинг фракцион экскрециясининг паст кўрсаткичи, марказий гемодинамика кўрсаткичлари ва ПКВ ҳажмий қон оқими индексининг нисбий камайганлиги билан намоён бўлди (6-диаграмма).

6-диаграмма

СРНС ва ССНС болалар гуруҳида натрийнинг буйрак ретенцияси ва водемик бузилишларни кўрсатиб берувчи параметрлар ўртасидаги корреляция кўрсаткичларининг натижалари




Корреляцион таҳлил ўтказиш вақтида КФТ 60 мл/дак/кв.м дан юқори бўлган 6 та болада натрийнинг буйрак ретенцияси 0,35 гача пасайганлиги аниқланди. Бу ҳолат ифодаланган гипоальбуминемия (19,6г/л) билан юқори корреляцияда бўлди. Бироқ марказий гемодинамика кўрсаткичлари меъёрий кўрсаткичларга нисбатан 10-12% га ошганлиги аниқланди. Бу ҳолат гипероводемик ўзгаришларда ўз аксини топди. Бу гуруҳ беморларда бизнинг текширувларимизда ПКВ ва БВ параметрларининг меъёрий кўрсаткичларга нисбатан ишончли фарқи аниқланмади.

Ўтказилган текширишларимиз натижалари бизга НСда массив, генераллашган шишларда водемик бузилишларни кўрсатиб бера оладиган гемодинамик параметрлар ва натрийнинг буйрак ретенцияси ўртасидаги корреляцион кўрсаткичлар таҳлил натижалари асосида, шиш ҳосил бўлишининг клиник функционал мезонларини аниқлаш имконини берди (7-диаграмма). Бунда 11 та ҳолатда (45%) критик гипоальбуминемия (15г/л дан паст) аниқланган бўлиб, бу гуруҳ беморларида ССНС қайд қилинган бўлиб, натрийнинг буйрак билан ушланиб қолиши критик ҳолатда (FENa <0,2%) эканлиги аниқланди. Томир ичи суяқлик ҳажми кескин камайган бўлиб, FENa <0,2%, чап қоринчанинг диастолик индекси, зарб ва юрак индекслари

пасайиши фонида, ПКВ ва БВларининг индекси ва ҳажмий қон оқими ўртача кўрсаткичлари камайганлиги аниқланди.

7-диаграмма

ССНС ва СРНС гуруҳи беморларида натрийнинг буйрак ретенциясининг, коптокчалар фильтрацияси тезлиги кўрсаткичига боғлиқ ҳолда волемик бузилишлар билан корреляцияси



Ўз навбатида ССНСли болаларнинг 13 тасида (55%) қонда альбумин миқдори ўртача 21,5% ни ташкил қилган бўлиб, КФТ 64,2 мл/дак/кв.м. бўлган ҳолатларда, генераллашган шишларда натрийнинг буйрак ретенцияси ўртача FENa=0,28% ни ташкил этди. Гемодинамика бузилишининг гиповолемик вариантыда ПКВ ва БВ майдон индексининг ўртача кўрсаткичлари ўзгармаган ҳолда, чап қоринча диастолик индексининг, зарб ва юрак индексларининг пасайиши фонида ПКВнинг ҳажмий қон оқимининг ишончсиз камайиши кузатилди.

СРНСли болалар гуруҳининг 6 тасида генераллашган шишлар фонида гипоальбуминемия (19,6 г/л) ва КФТнинг нисбатан пасайганлиги (64,2 мл/дақ.кв.м.) кузатилиб, нормоволемиа ҳолати аниқланди. Уларда натрийнинг буйрак ретенцияси кескин пасайганлиги аниқланган бўлиб, (FENa =0,36%), ПКВ ва БВ бўйлаб майдон индекси ўртача кўрсаткичлари

ўзгармаган ҳолда, чап қоринча диастолик индекси, зарб ва юрак индекслари кўрсаткичлари ишончсиз ошганлиги аниқланди.


СРНСнинг қолган 18 та беморда генераллашган шишлар аниқ ифодаланган гипероводемик вариант кўринишида кечиб, ПКВ майдон индекси ва ҳажмий қон оқими индекси кўрсаткичларининг ишончли ошганлиги, чап қоринча диастолик индекси, зарб ва юрак индекслари кўрсаткичларининг сезиларли ошганлиги аниқланди. Бу гуруҳ беморларида натрийнинг буйрак ретенцияси ўртача 1,38%, қон зардобда альбумин миқдори – 23,5 г\л, КФТ – 42 мл\дак\1,73кв.м.ни ташкил қилди.


Ўтказилган изланишлар натижасида биз гемодинамик кўрсаткичлар ва натрийнинг буйрак ретенцияси корреляцияси асосида шиш синдроми вариантининг ишончли клиник-функционал мезонларини яъни “етарлича тўлатилмаслик”(рефрактер шишлар) ва “ тўлиб тошиш”(натрийнинг ушланиб қолиши бирламчи хусусиятга эга) патологик механизми бўйича тақдим этиш имкониятига эга бўлдик.

Диссертациянинг«**Болаларда нефротик синдромда ҳаётга хавф солувчи шиш синдромини бартараф этишда коллоид суюқликларни диуретиклар билан биргаликда қўллаш самарадорлигини баҳолаш**” деб номланган бешинчи бобида болаларда НСнинг массив шишларида интенсив даволашга замонавий ёндашувлар бўйича олинган натижалар таҳлили келтирилган. Нефротик шишларнинг вариантини аниқлаш бўйича биз томондан ишлаб чиқилган клиник-функционал мезонлар генераллашган шишларни бартараф этишнинг самарали усулини аниқлаш имконини беради(8-диаграмма).

8-диаграмма

Гемодинамик бузилишларнинг оғир гиповодемик варианты билан кечадиган ССНС гуруҳи беморларида айланувчи қон ҳажмига боғлиқ ҳолда интенсив даво самарадорлигини кўрсатиб берувчи параметрларнинг корреляцион таҳлили (p<0,05)





Текширишларимиз натижалари шуни кўрсатдики, нефротик шишларнинг гиповолемик вариантларида 130 мл\кв.м ҳисобида 20% альбуминни 1-3 мг/кг фуросемид билан биргаликда қўллаш юқори самара берди. Бунда диуретикларга рефрактер бўлган болалар гуруҳи асосини СНС қайд қилинган болалар ташкил қилган бўлиб, уларда қон зардобида альбумин миқдори критик даражада пасайиб кетганлиги (15г/л дан паст) ва томир ичи суюқлик ҳажми пасайиб кетганлиги аниқланди.

Ўз навбатида, СНСнинг енгил гиповолемия билан кечувчи, қон зардобида альбумин миқдори 15-20 г/л гача бўлган ҳолатларда, ўтказилган 20% альбумин ва 10% ГЭК инфузияси ўртасида кескин самарадорлик фарқи аниқланмади. Шу сабаб бу гуруҳ беморларига қўлланилиш имконияти кенг бўлган 10% ГЭК дан фойдаланиш маъқул кўрилди.

Тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, нормоволемия билан кечувчи СНСда шиш синдромини бартараф этиш учун 250 мл\кв.м 10% ГЭК ни 3-5 мг/кг ҳисобида диуретиклар билан бирга қўллаш ишончли самара бермади. Бунда асосий гуруҳни СРНС билан кечувчи болалар ташкил қилган бўлиб, уларда $FENa > 1,0\%$, гипоальбуминемия (15-20г/л) ва нормоволемия ҳолати аниқланган бўлиб, ПКВнинг индекс кўрсаткичлари ва буйрак веналарининг ўртача кўрсаткичларини ишончсиз кўпайганлиги фонида юрак индекси, чап қоринчанинг диастолик индексини ишончсиз ошганлиги аниқланди.

Гиперволемия билан кечувчи (ПКВва БВнинг майдон индекси ва улар бўйлаб ҳажмий қон оқимининг ўртача кўрсаткичларининг ишонарли ортиши, чап қоринча диастолик индексининг сезиларли ортиши, зарб индекси ва юрак индексларининг ортиши) СРНС гуруҳидаги болаларда қон зардобида гипоальбуминемия (20г/л дан ортик) ва $FENa$ кўрсаткичининг ортиши (1%) кузатилиб, бундай ҳолатларда 20% альбумин ва 10% ГЭК инфузияларининг шиш синдромини бартараф этишдаги самарадорлиги ўз исботини топмади. Шу сабаб бу тоифадаги беморларга коллоид суюқликлар инфузиясини ўтказмасдан, форсирланган диурез ўтказишнинг ўзи етарли деб баҳоланди.

ХУЛОСА

1. Ўтказилган илмий изланишлар натижалари асосида, болаларда НСда критик ҳолатларнинг учраш частотаси ва тури аниқланди. Бунда НСнинг ССНС ва СРНС вариантларида критик асоратлар алоҳида ўрганилган бўлиб, биринчи ҳолатда 77% анасарка, 38% гиповолемик шок ва 19% нефротик криз ҳолати аниқланди. СРНСда эса 49% анасарка, буйракларнинг ўткир шикастланиши, гипертоник криз ҳолати 32% ва сепсис ҳамда зотилжам каби инфекция асоратларнинг кўп учраши қайд қилинди.

2. Корреляцион таҳлил асосида НСда рефрактерланган генераллашган шиш юзага келишининг ишончли клиник –функционал мезонлари аниқланган бўлиб, ССНСда томир ичи ҳажмининг кескин камайиб кетиши (БВ ҳажмий ва майдон индексининг камайиб кетиши), критик гипоальбуминемия (15 г/л дан кам) ва натрийнинг фракцион экскрециясининг пасайиб кетиши ($FENa < 0,2\%$) билан боғлиқ бўлган оғир гиповолемия аниқланди.

3. СРНС гуруҳи беморларида генераллашган шиш ҳосил бўлишининг параметрлари тақдим этилди ва бу кўрсаткичлар оғир гиперволемиа, ўртача оғирликдаги гипоальбуминемия (23г/л дан кам бўлмаган, буйраклар фильтрациясининг сезиларли камайиши ($KFT=32\text{мл}\backslash\text{мин}\backslash 1,73\text{кв.м}$) билан ишончли корреляцияда бўлиши аниқланди. Бошқа ҳолатларда биз томондан ишлаб чиқилган шиш юзага келишини аниқлашнинг клиник –функционал мезонлари нормоволемик кўрсаткичларда бўлди.

4. Генераллашган шишларни даволашга ёндашувларни баҳолашни қайта кўриб чиқиш натижасида ССНС гуруҳи беморларида критик гиповолемия кузатилиши аниқланди ва 20% Альбумин инфузиясини 130мл/ м.кв ҳисобида, 1-3 мг/кг фуросемид билан бирга қўллаш юқори самара бериши исботланди. Ўрта оғирликдаги гипоальбуминемия билан кечувчи ССНС ва НСнинг СРНС вариантларида ўрта оғирликдаги гиповолемия ҳолати кузатилиб, 20% Альбумин инфузияси билан синтетеик коллоид суюқликларни (10% ГЭК, ўртача 250 мл\м.кв) 1-3 мг/кг фуросемид билан ҳамкорликда қўллаш ўртасидаги самарадорликнинг сезиларли фарқи аниқланмади. Шу боис бу гуруҳга хавфсиз ва қўллаш учун қулай усул сифатида 10% ГЭК инфузиясини қўллаш тавсия этилди.

5. СРНСнинг нормоволемия ва гиперволемиа билан кечувчи вариантларида артериал гипертензия, олигоурия, коптокчалар фильтрациясининг пасайиши кузатилиб, генераллашган шишларни бартараф этиш учун фуросемидни 3-5 мг/кг ҳисобида, коллоид суюқликларсиз қўллаш юқори самара берди. Ўз навбатида 20% Альбумин ва 10% ГЭК инфузиясини қўллаш ушбу ҳолатда ҳеч қандай самара бермади. НСнинг оғир асоратларини интенсив даволашни баҳолаш ва унга ёндашувларни қайта кўриб чиқиш доирасида, биз бу тоифадаги беморларга коллоид суюқликлар инфузиясини ўтказмасдан, форсирланган диурез ўтказишнинг ўзини етарли деб ҳисоблаймиз.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ПЕДИАТРИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

МАМАТКУЛОВ БАХРОМ БАСИМОВИЧ

**ОЦЕНКА И ПЕРЕСМОТР ПОДХОДОВ К ИНТЕНСИВНОЙ
ТЕРАПИИ КРИТИЧЕСКИХ ОСЛОЖНЕНИЙ НЕФРОТИЧЕСКОГО
СИНДРОМА У ДЕТЕЙ**

14.00.09 – Педиатрия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.2. PhD/Tib203.

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте. Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tashpmi.uz и на Информационно - образовательном портале «Ziynet» по адресу: www.ziynet.uz.

Научный руководитель: Шарипов Алишер Мирхамидович,
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: Шамансурова Элмира Амануллаевна
доктор медицинских наук, профессор
Алимов Ахбор Валиевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: Ташкентская медицинская академия

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 г. в __ часов на заседании Научного совета DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте. По адресу: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223. (Тел./факс: (+99871)-262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирован за № ____), по адресу: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223. Тел./факс: (+99871) -262-33-14.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года (реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2020года).



А.В. Алимов
председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д. м. н., профессор

К.Н. Хайтов
ученный секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д. м. н., профессор

Д.И. Ахмедова
председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней,
д. м. н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной ассоциации детских нефрологов, заболеваемость первичным нефротическим синдромом (НС) составляет 2-13 случаев на 100 000 детей и имеет тенденцию к увеличению. Ежегодно растет число пациентов с прогрессирующим течением заболевания⁴. Тяжесть НС "...связана с увеличением потери белка с мочой больного с последующим развитием отеков, которые трудно поддаются лечению и увеличивают риск осложнений, также частоту госпитализаций в стационар..."⁵. В последние годы все большее распространение в инфузионной терапии получают растворы синтетических коллоидов, а необходимость и безопасность применения альбумина поставлена под сомнение. В то же время неясно, имеют ли синтетические коллоидные растворы преимущества перед альбумином в терапии НС у детей. Для выбора оптимальных методов и повышения эффективности диуретической терапии важно иметь представление о механизме развития отеков при НС.

В мире проводится ряд исследований с целью усовершенствования лечения осложнений НС у детей и уменьшения частоты развития рецидивов НС. Наряду с диуретической терапией отеков при НС, ряд авторов рекомендуют использование растворов альбумина 5-20%, коллоидных растворов, хотя мнения исследователей разноречивы. При выборе подхода к интенсивной терапии большинство авторов в последнее время стали уделять внимание диагностической дифференциации варианта нефротического отека.

В нашей Республике получены весомые результаты по ранней диагностике и предупреждению осложнений соматических заболеваний среди различных слоёв населения, особенно среди детей с заболеваниями почек. Наряду с этим в системе здравоохранения существует ряд нерешенных проблем, среди которых наиболее важными являются выявление и лечение НС у детей. В связи с этим, комплексные меры по коренному улучшению системы здравоохранения будут осуществляться в следующих областях: «... расширение доступа к качественной медицинской помощи для матери и ребенка, предоставление специализированной и высокотехнологичной медицинской помощи и снижение младенческой и детской смертности».⁶

Диссертационное исследование способствует реализации целей, изложенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 8 ноября 2019 года № ПП-4513 «Об улучшении и расширении качества медицинской помощи оказываемой женщинам репродуктивного возраста, беременным и детям» и в Указе № ПП-3071 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах коренного

⁴ Noone DG, Iijima K, Parekh R (2018) Idiopathic nephrotic syndrome in children. Lancet 392(10141):61-74. [https://doi.org/10.1016/s0140-6736\(18\)30536-1](https://doi.org/10.1016/s0140-6736(18)30536-1)

⁵ Noone DG, Iijima K, Parekh R (2018) Idiopathic nephrotic syndrome in children. Lancet 392(10141):61-74. [https://doi.org/10.1016/s0140-6736\(18\)30536-1](https://doi.org/10.1016/s0140-6736(18)30536-1)

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарори.

совершенствования системы здравоохранения Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», в Указе ПП- № 3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» и в других нормативных актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. НС коварен тем, что он имеет склонность к прогрессированию и рецидивам, становится резистентным к терапии, что обуславливает инвалидность пациентов. Остаются актуальными клинические вопросы и выбор оптимальных методов интенсивной терапии генерализованных отеков, в том числе диуретической терапии при НС с учетом патогенетических механизмов развития отеков в каждом конкретном случае. При выборе подхода к интенсивной терапии большинство авторов в последнее время стали уделять внимание диагностической дифференциации варианта нефротического отека. В многоцентровом исследовании Средне-Западной группы контроля за почечными болезнями США (Мишель Н. Рео и др., 2015) представили данные о самом большом до настоящего времени изучении ОПП у госпитализированных детей с НС. В котором описывается заболеваемость ОПП (50,9%) в соответствии с современным определением, а также факторы риска, связанные с развитием ОПП у детей, госпитализированных с НС. При выборе подхода к интенсивной терапии большинство авторов в последнее время стали уделять внимание диагностической дифференциации варианта нефротического отека. Для этого Vande Walle et al. (2015) предлагают измерять соотношение фракционной экскреции натрия (FENa) и соотношение калия в моче к сумме калия и натрия в моче ($U_K / (U_{Na+K})$). В случае, если FENa > 60% они рекомендуют инфузию альбумина, что, однако, нуждается в дальнейшем обосновании. Haws et al. (2018) указывают на временность эффекта введения альбумина и диуретиков в случаях рецидива протеинурии, хотя эти препараты приводят к удалению жидкости и потере веса у детей с НС. Возможно, эффект диуретической терапии, протеинурия и усугубление поражения почек тесно связаны, а механизмы этих взаимоотношений нуждаются в детализации.

